

Обод маҳалла, обод кўча, обод хонадон



Ушбу мезонлар юзасидан, туман сектор раҳбарлари, соҳавий ташкилотлар вакиллари ва маҳалладаги “бешлик” дан иборат ишчи гуруҳ 2 сектор ҳудуди “Бойбулоқ” маҳалласининг Бойбулоқ кўчасида хонадонма-хонадон юриб, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ишларини амалга оширмоқда.

Бугунги кунда “Бойбулоқ” маҳалласини обод масканга айлантириш учун кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хонадонлар оқланиб, кўчалар чиқиндилардан тозалонмоқда. Маҳаллада олиб борилаётган бу каби ишлар аҳолининг эртанги кунига ишончини ошириб, маҳаллалар файзли масканга айлантирилмоқда.